
Нишонахон тикув машинаси билан рағбатлантирилди

Тошлоқ тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари Абдуқаҳҳор Джурабаев яқинда Истиқлол маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр қабул ўтказган эди. Унда шу маҳаллада яшовчи фуқаро, 2-гуруҳ ногирони Нишонахон Рўзиева тикув машинаси сўраб мурожаат этганди. Нишонахон ҳозирда 26 ёшда. 19-мактабда ўқиб юрган давридаёқ чеварчиликка қизиққан. Маҳалладаги тажрибали тикувчидан чеварчиликнинг сир-асрорларини ўрганди. Ҳозирда ўзи чеварчилик билан машғул бўлиб, оиласига моддий томондан кўмаклашмоқда. Сектор раҳбари Нишонахон Рўзиеванинг қизиқишларини ҳисобга олиб, шунингдек бандлигини таъминлаш ҳамда бугунги таваллуд айёми билан табриклар замонавий тикув машинасини совға қилди. Н.Рўзиева берилган эътибор ва кўрсатилаётган ғамхўрликдан мамнун бўлиб, туман ҳокимига ўз миннатдорчилигини билдирди.

2020-10-02 19:29:06